

FORISH TUMAN AXBOROT-
KUTUBXONA MARKAZI
AXBOROT-BIBLIOGRAFIYA
XIZMATI. O`ZBEKISTON
RESPUBLIKASI XALQ YOZUVCHISI
O`TKIR HOSHIMOVNING “BAHOR
QAYTMAYDI” QISSASINING
55 -YILLIGIGA.



UO'K: 821.512.133-3

KBK: 84(5O')7

H-71

Hoshimov, O'tkir

Bahor qaytmaydi: qissa va hikoyalar / Otkir Hoshimov. -
T.: Yangi asr avlodi, 2016. - 280 b.


ISBN 978-9943-27-552-2

O'tgan asming 60-70-yillarida o'zbek adabiyoti juda katta iste'dodlarni qabul qildi. Ham nazm, ham nasr, ham publitsistika o'quvchilarni maroqli mutolaaga, mushohadaga chorladi. Biz O'tkir Hoshimovni aynan o'sha avlodning zabardast vakili sifatida tanitymiz hamda asarlarini zavq bilan qayta-qayta o'qiyimiz. O'tkir Hoshimovda nafasat tuyg'usi behad kuchli. Uning qahramonlari aksari go'dakday beg'ubor, nafasat tuyg'usiga boy, hissiyotli, o'ta ta'sirchan odamlardir.

“Bahor qaytmaydi” qissasi 1969-yilda yozilgan. Qissada yozuvchi iste'dodli, biroq uning qadriga yetmagan, ulug' maqsadlardan mahrum xudbin yigitning tanazzul tarixini, ruhiy-ma'naviy inqirozini san'atkorona tahlil etib bergan. Oradan o'tgan 45 yil qisqa muddat bo'lmasa-da, voqealar bugun ham davom etyapti. Hayotdagi Alimardon To'rayevlar uchun ushbu asar ko'zgu, hayotiy saboq bolsa, ajab emas.




O'tkir Hoshimov 1941-yilning 5-avgustida Toshkent viloyatining Zangiota tumani Do'mbirobod mavzesida tavallud topgan. 1958-yilda o'rta maktabni bitirib, Toshkent Davlat universiteti jurnalistika bo'limining avval sirtqi, so'ngra kunduzgi bo'limida o'qib, 1964-yilda tamomlagan. 1959—1960-yillarda „Temir yo'lchi“, 1960-yilda hozirgi „O'zbekiston ovozi“, 1960-1982 yillarda „Toshkent haqiqati“, „Toshkent oqshomi“, 1982—1983 yillarda G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyotida, 1985—1995-yillarda „Sharq yulduzi“ jurnaliga bosh muharrir va 1995-yildan 2004-yilgacha O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Matbuot va axborot qo'mitasi raisi sifatida faoliyat ko'rsagan. Keyinchalik Teatr jurnalida muharrirlik qilgan




Asar haqida

Asarda sevgi, ishonch, umid kabi go'zal tuyg'ular bilan bir qatorda, unga qarama-qarshi bo'lgan salbiy tuyg'ular - razillik, nafrat, befarqlik, noinsoflik, xiyonat tushunchalari orqali inson taqdirining fojialarini ifoda etadi. O'tkir Hoshimovning „Bahor qaytmaydi“ qissasidagi har bir qahramon va tasvirning asardagi òrni beqiyosdir. Yozuvchi asarning nomidanoq kimlar uchundir bahor endi hech qachon qaytmasligini voqealar timsolida kòrsatib beradi. Asar boshlanmasida tòg'ridan-tòg'ri asar qahramonlari haqida ma'lumot beribgina qolmay, kitobxonni asar voqealariga zimdan tayyorlab boradi. Buni birgina, „Bòston qishlog'iga og'ir-vazmin qadamlar bilan kuz kirib keldi“ gapi misolida kòrishimiz mumkin. Yozuvchi oddiygina tarzda kuz kirib keldi deb aytmasdan, „og'ir vazmin qadamlar bilan“ birikmasi orqali qahramonlarning hayotidagi yuz berishi kutilayotgan voqealarning oddiy emas, ayni damda qiyin va ziddiyatli jarayonlarda yuz berishini va mana shu jarayonda qaysi qahramonlar òz muvozanatini saqlay olishi-yu qaysilari saqlay olmasligini anglatmoqchi bòladi.



Asarning mazmuni

Bahor qaytmaydi asari 3 ta bosh qahramon hayotiga asoslangan bo'lib, ikki beg'ubor yosh Anvar va Muqaddamning sevgi qissasi ila boshlanadi. Anvarning yaqin do'sti Alimardon esa Muqaddamni bir ko'rishda yoqtirib qoladi va do'stiga xiyonat qilib, u qizga uylanadi. Ammo keyinchalik taqdirlar ayrilib hikoya o'zgacha tus oladi. Alimardonning o'limi bilan yakunlanuvchi ushbu qissada insoniylik, marhamat, o'zaro ishonch tuyg'ulari naqadar nozik munosabatlar ekanligi va birgina xato katta yo'qotishlarga olib kelishi mumkinligi, va bu dunyo o'tkinchi ekanligini uqtiradi.



Баҳор қайтмайди

Бўстон қишлоғига оғир-вазмин қадамлар билан куз кириб келди. Туманлик кўйида жимгина мудраган тонглар, илк совуқ, оғушида жунжикан серюлдуз оқшомлар бошланди. Ҳавога елпигичдай қат-қат булутлар чиқди. Кўёшнинг илиқ, тансиқ нурлари одамларга хушёқадиган бўлиб қолди. Ҳавода ананас иси аралашёнғоқ хазонларининг ўткир ҳиди гуркиради. Ёз бўйи мева тугиш дардида яшнаган боғлар, шодон шовуллаган теракзорлар ҳаётнинг мангу, бешафқат ҳақиқати олдида ўйчан, ғамгин бош эгди. Чор-атроф япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлди.

Сумбула туғди. Қишлоқни ҳалқадай ўраб оқаётган анҳор бирдан тиниқлашди. Телба тўлқинлар энди жиловланиб, ювош бўлиб қолди.

Одамлар қилимини кўтариб келаётган қишдан чўчигандай шовш-пишв ҳаракатга тушдилар. Кимдир чорбоғида ўтин арралади, кимдир кўшнисининг том сувоғига ҳашарга чиқа бошлади.

Ҳамма ягона бир ташвиш билан, куз ташвиши билан туриб, куз ташвиши билан ётадиган бўлди.

Фақат битта ҳовлида – қишлоқ чеккасида, шундоққина анҳор ёқасида жойлашган ҳовлида сукунат ҳукм сулар, фақат бир киши ёлғиз ўз ташвиши билан банд эди.



У паст-баланд қоялар орасидан от чоптириб бораётганмиш От елдек учармиш тоғу тошлар чирпирак бўлиб орқада қолиб кетармиш Бирдан ҳаммаёқни зулмат қоплабди. От алланимага қаттиқ қоқилибди-да, қоп-қоронғи жарликка мункиб кетибди. У отни бўйнидан маҳкам кучоқлаб олганча шувиллаб пастга тушиб кетаётганмишу ерга ҳеч етмасмиш Нафаси бўғзига тикилиб, даҳшатдан оёқ-қўллари тошдай қотиб қолганмиш..

– А-а-а!

Алимардон ўз овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Анчагача қаерда ётганини билолмай, кўзларини катта-катта очганча шифтга тикилиб қолди. Аъзойи бадани ўт бўлиб ёнар, пешанасини муздек тер босган, бир тутам сочи тер аралашқошларига ёпишиб қоган эди.

У анчагача беҳуш тикилиб ётди-да, вассажуфтлари сарғайиб кетган шифтнинг тоқчадаги лаган-товоқларни, бурчақдаги шкаф устида турган, чақа солинадиган ганч мушукчани кўриб секин уф тортди. Хайрият, уйда экан!

Бир лаҳзадан кейин кўз ўнгидagi нарсалар тағин сийрак туманлик ичида йўқолди-ю, яна алаҳдай бошлади. Зум ўтмай тағин кўзини очди. Бора-бора фикри тиниқлашиб, шифтга тикилиб қолди. Қаердандир бир қалдирғоч уйга отилиб кирди. Шифт тагида айлана-айлана вассажуфтдаги узун миҳга келиб қўнди. ўамгинга вижирлаб қўйди. Оқ-сарғиш бўйини буриб Алимардонга қаради. Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб турди-да, яна бир сайраб қанотини ёзди. Лип этиб пастга шўнғиди, деразанинг очиқ тавақасидан ҳовлига отилди.



Алимардон кўрга остидан кўлларини машаққат билан суғуриб олди. Тирсагига таяниб, секин дераза томонга ўпирилди. Терлаб ётган баданига совуқ, шамол тегди. Бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади. Ҳар йўталганида нафаси оғзига тикилар, кўз ўнгида хира ҳалқачалар пирпирар, кулоқлари шанғиллар эди. Ниҳоят, секин-секин дамини ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис, чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Очиқ, деразадан тит-тиниқ, осмоннинг бир чеккаси кўриниб турарди. Чекка-чеккадаги азамат ёнғоқлар шов-шув этиб, ўтиб кетган баҳорини эслагандай жимгина хаёлга толган, ўриқларнинг қондай қизарган япроқлари узилиб кетишдан чўчиб титраб турибди. Ёнғоқ, шохиди зағизғон сайради. Кейин ола қанотларини ёйиб, ҳавога кўтарилди-ю, узун думини ликиллатиб, этакдаги молхона томига бориб ўнди. Том устига ёйиб ташланган маккажўхориларни бир-икки чўқиган бўлди-да, яна қанотини ёйиб ҳавога кўтарилди. Девор ошиб кўшни ҳовлига ўтиб кетди.

Алимардон шу ёзда онаси ўлганидан кейин ҳовлидан файз кетганини ҳозир айниқса чуқур ҳис қилди. Онаси неча йилдирки, уни уйлантиришни орзу қилар, аммо Алимардон унамас эди. Рост, у кўп қизларни кўрган, лекин ҳеч бири билан бирга бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. “Аввал консерваторияни битириб олай, у ёғи ўзи топилиб кетади” деб ўйларди. Алимардон диплом ёқлашидан бир ҳафта олдин онаси қазо қилди. У орзусига етолмади: келинининг кўлидан бир пиёла чой ича олмади.

Алимардон кўрагининг бир бурчида уйғонган чидаб бўлмас ҳасратдан энтикиб қолди.
– Анвар ҳам келмабди, номард! – пичирлади у яқиниб. Алимардон бетоб бўлиб қолганидан бери гоҳ Анвар, гоҳ онаси ҳар кун и келиб унинг ҳолидан хабар олиб туришарди. Бугун келмабди. “Бировнинг гўрига биров тушармиди? Анварнинг мен билан нима иши бор!” У жаҳл билан кўзларини чирт юмиб, кўргани бошига тортди.

Яна кўзи илинаётган эди, гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Алимардон кўргани кўтариб қарагунча, аллаким дераза ёнидан лип этиб эшик томонга ўтиб кетди.



“Анвар!” – Алимардон эшикнинг очилишини кутиб бурилиб қараб ётди.

Анвар пастак эшикдан бошини эгиб кирди-да, қўлидаги қоғоз халтани бир чеккага қўйиб, шимининг почасини қоқа бошлади.

Энгашиб турганча бошини кўтариб қаради-да, жилмайди.

– Тузукмисан?

Алимардон индамади. Қўшини чимирганча тикилиб ётаверди.

Анвар ҳар келганида шундай жилмайиб қарар, худди шундай паст, меҳрибон овозда ундан ҳол сўрар эди.

Ҳозир Алимардон унинг тез юрганини, қўйлагининг тугмаларини ечиб юборганини, ичидаги майкаси терлаб баданига ёпишиб қолганини кўрди.

Анвар туфлисининг боғини шаша-пиша ечиб, тез-тез юриб унинг тепасига келди. Каравот ёнига чўккалаб, пешанасига муздек кафтини қўйди.


– Иситманг йўқ-ку, – деди яна жилмайиб.

Алимардон унинг қўлини пешанасидан олиб ташлади. “Ёғон айтяпти!”

– Йўлда ўлиб қолдингми, дегандим.

Анвар дўстининг бўяқ овозидан унинг хафа бўлганини тушунди, кўз милқларининг чети тиришиб, қизариб кетди. Унинг сал нарсага қизариши ҳам, қизлардек тортинчоқлиги ҳам, чиройли чеҳраси ҳам кўпинча Алимардоннинг жиғига тегарди.

– Кеч қолдим-а? Тўғрими? – деди Анвар узр сўраган оҳангда.



Улар анҳор ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан изма-из боришарди. Муқаддам олдинда кетар. Анвар уч қадамча орқада ундан кўз узмай борарди. Йўл кимсасиз бўлгани учун Муқаддам туфлисини ечиб, бармоқларига илиб олган, яланг оёқлари остидан кўтарилган чанг йўл чеккасидаги сарғая бошлаган ўтлар устига чўкар, этагининг шмолидан силкинган ғумайлар охишта бош силкиб қоларди. У чор-атрофни томоша қилиб борар, Анвар унинг чехрасини кўрмаса ҳам қувончдан жилмаяётганини, ҳаяжонланаётганини сезиб турарди.

Қишлоқ устида кузнинг атлас либоси ловиллаб ёнади, уфққа тутшиб кетган полизлар, тоқзорлар гоҳ қизғиш гоҳ қаҳрабо рангда товланади. Олисда, осмоннинг ер билан туташган жойида оловли бир ҳовур ичида қуёш ботиб борарди. Қаердадир бузоқлар маърайди, гузар томондан мактаб болаларининг қий-чув товушлари эшитилади.

Сўқмоқ бирдан ўнга бурилди-ю дастга анҳор устига шўнғиб кетди. Муқаддам тўхтаб қолди. “Энди қаёққа борамиз?” – дегандай Анварга қайрилиб қаради.

– Яккачўлдан ўтамиз... – Анвар Муқаддамни четлаб ўтди-да, тик сўқмоқдан дастга югуриб тушиб, қирғоқдаги толнинг ғадир-будир, йўғон гавдасини кўли билан ушлаб қолди. Анҳор соҳилида эркаклаб кетган баланд-баланд ялпизлар яшнаб ётар, қирғоқдаги икки туп азим топ атрофга оқшом соясини ташлаган эди. Анвар бурилиб қаради-ю терак бўйи баландликда ўзига қараб жилмайиб турган Муқаддамни кўрди. Юқорида ҳали қуёш нури сўнмагани учун Муқаддамнинг қизил кўйлаги офтобда ярақлар, гўё унинг ўзи ҳам аланга оғушида ёнаётгандек эди.

У кўлларини ҳавода кенг ёзди-да, болаларча шодон оҳангда қичқирди:

– Ушланг, Анвар ака!

O'tkir Hoshimovning „Bahor qaytmaydi“ qissasi
asosida 1972-yilda shu nomli film suratga olingan





Ижод – вақти-вақти билан
сайрибоғ қилинадиган
“шон-шуҳрат” гулшани эмас,
завқли, айни пайтда оғир
ва масъулиятли юмушдир.

Ўткир Ҳошимов



Albatta, hamma
asarlar ham birdek
yaxshi yozilishi qiyin.
Men ba'zi hikoya va
qissalarimni keyingi
saylanmalarga,
nashrlarga kiritgan
emasman. Demak,
ma'lum ma'noda
ulardan ko'nglim
to'lmagan.

O'tkir Hoshimov



Kitob o'qish barobarida O'tkir Hoshimov pochtda xat tarqatuvchi bo'lib ishladi. Aynan mana shu ish O'tkir Hoshimovni oddiy odamlarning kitobdagi hayotdan butunlay boshqa turmushiga oshno qildi. Bo'lajak yozuvchi 1964-yilda O'zbekiston Milliy universitetining (sobiq Tosh DU) filologiya fakulteti jurnalistika bo'limini sirtidan tugatdi.

E`tiboringiz uchun rahmat!